

Хайрли эшик



12:25 / 25.07.2018 4379

Эрталаб боласини мактабга олиб борган ота ўйчан эди. Хаёлнинг минг бир туйнугига бош суқиб чиқаркан, иш сўраб мурожаат қилган жойларидан қандай натижа чиқишини сабрсизларча кутарди. Ўйчан алпозда уёқдан буёққа юрар экан, мактабнинг ён тарафидаги кўча бўйида бир сумкага кўзи тушиб қолди. Бировнинг сумкаси тушиб қолгани аниқ эди. Бошқа пайтларда гавжум бўлган кўчада тонгда қатнов кам бўлгани учун сумкани ҳеч ким кўрмаган, чамаси. Сумкани қўлига олиб, очар экан ҳайратдан қотиб қолди. Унинг ичи тўла пул эди. Ўша кунларда йўқчилик жонидан ўтиб кетган бўлса-да, эркакнинг хаёлидан ёмон ўй ўтмади. “Вақти келиб бу кунлар ўтади ва албатта менга ҳам хайр эшиги очилади! Бировнинг ҳақиға кўз тикмайман!” дея ўйлади. Сумка ичида эгасига тегишли бирор ҳужжат бўлмагани учун полиция идорасига қараб йўл олди.

Полиция маъмурига вазиятни тушунтирган эди, маъмур бир неча соат олдин бир портфелни излаганларини маълум қилди. Шу тариқа топилган омонат эгасига топширилди ва бу киши билан ҳам юзлаштирилди. Портфел эгаси бир кун олдин иш сўраб мурожаат қилган ширкатнинг бошлиғи эканини кўрган киши бутунлай шошиб қолди. Сумканинг эгаси миннатдорчилик билдириб, эркакнинг яхшилигини муносиб тақдирлади. Албатта, бир кун аввал ширкатига иш истаб сўровнома тўлдирган кишини эслади. Бу воқеадан бир кун ўтиб, унга ширкатдан қўнғироқ бўлди ва

Ўзига маъқул шартларда ишга қабул қилингани айтилди. Бу хушxabар, шубха йўқки, эркакни севинч осмонининг еттинчи қаватига кўтарди...

СУАТ ОЗГЕ

Умида Адизова таржимаси